



Ishonch

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri // Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqqan boshlagan // www.ishonch-doverie.uz // e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенатига

ТАҚДИМНОМА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13-моддасига мувофиқ инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадри-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият сифатида тан олинади.

Жазонинг асосий мақсади ҳукм қилинган шахсларнинг тузалиши ва қайта тарбияланиши, яъни ҳар бир қонунбузар содир этган қилмишининг ижтимоий ҳавфлилик даражасини, жавобгарликнинг муқаррарлигини ва чин кўнгилдан пушаймон бўлиш зарурлигини англаб етиши ҳисобланади.

Амнистия актининг эълон қилиниши халқимизга ҳос инсонпарварлик, эзулик ва раҳм-дилликнинг ёрқин ифодаси сифатида, маҳкумларга қонунга иттифоқлиқ ҳиссини рағбатлантиради ва қонунни четлаб ўтган шахсларга тузалиш, оиласига қайтиш ҳамда жамиятнинг муносиб аъзоси бўлиш учун яна бир имконият беради.

Шу нуқтага назардан, амнистия акти улкан профилактик, ижтимоий ва тарбиявий аҳамиятга эга бўлиб, муайян тоифадаги шахсларни нафақат жавобгарликдан ва жазодан озод қилишни, балки уларни даволаш, бандлигини тавминлаш, шунингдек, ижтимоий реабилитация қилиш ва мослаштириш борасидаги бошқа қатор муҳим тадбирларни кўзда тулади.

Таъкидлаш жоизки, амнистия актининг қабул қилиниши инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳимоясини таъминлаш борасидаги умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқ нормаларига тўла мос келади.

Инсонпарварлик принципларига амал қилган ҳолда, аввалги амнистия актларини қўллаш ва шахсга оид иш ҳужжатларини ўрганиш натижалари асосида, келгусида озодликдан маҳрум этиш жойларидан сақлаш зарурияти йўқолганлигини, шунингдек, ёши ва соғлигини инобатга олиб, қўйидагиларни назарда тутувчи амнистия актини қабул қилиш тақлиф этилади:

1. Ҳукм қилинган: аёлларни; жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахсларни; 60 ёшдан ошган эркакларни; чет давлатлар фуқароларини; I ва II гуруҳ ногиронларини; сил касаллигининг фаол шаклига чалинган шахсларни жазодан озод қилиш (Жиноят кодексининг 167- ва (ёки) 168-моддасида назарда тутилган жиноятни содир этган ва етказилган моддий зарарни қопламаган, Жиноят кодексининг 104-моддаси учинчи қисми «д» бандида назарда тутилган жиноятни содир этган ва етказилган моддий зарарни қопламаган шахслар бундан мустасно);

ри; сил касаллигининг фаол шаклига чалинган шахсларга (Жиноят кодексининг 167- ва (ёки) 168-моддасида назарда тутилган жиноятни содир этган ва етказилган моддий зарарни қопламаган, Жиноят кодексининг 104-моддаси учинчи қисми «д» бандида назарда тутилган, шунингдек, ўта оғир жиноятларни содир этган шахслар бундан мустасно) нисбатан барча жиноят ишларини тугатиш;

5. Амнистия актига асосан озод қилинмайдиган шахсларнинг ўталмай қолган жазо муддатини:

қасддан содир этган жиноятлари учун ўн йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилинганларга — учдан бир қисмига;

қасддан содир этган жиноятлари учун ўн йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилинганларга — тўртдан бир қисмига қисқартириш.

Бунда, Жиноят кодексининг 97-моддасида назарда тутилган жиноятни содир этган шахсларнинг жазо муддатини қисқартирмаслик тақлиф қилинади;

6. Содир этилган жиноий қилмишларнинг ижтимоий ҳавфлилик даражаси ва оқибатларини ҳисобга олган ҳолда: узок муддатга ёки умрбод озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинган;

таъкидланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида тинчлик ва ҳавфсизликка қарши ёки жамоат ҳавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун ҳукм қилинган; ўта ҳавфли рецидивист деб топинган; жиноий уюшма таркибида жиноят содир этган; жазони ўташ тартибини мунтазам равишда бузётган; муқаддам афв этиш ёки амнистия тартибида жиноий жавобгарликдан ёки жазодан озод қилинган ва яна қасддан жиноятлар содир этган;

Улим жазоси афв этиш тартибида озодликдан маҳрум қилиш тартиқасидаги жазога алмаштирилган шахсларга нисбатан амнистия актини татбиқ этмаслик.

Шу билан бирга, таъкидланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида тинчлик ва ҳавфсизликка қарши ёки жамоат ҳавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун биринчи марта озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилиб, тузалиш йўлига қатъий ўтган шахсларни ҳам жазодан озод қилиш тақлиф этилади.

Бундан ташқари, амнистия актида асосий жазодан озод этилган маҳкумларни қўшимча жазодан озод этмаслик ҳақидаги нормани назарда тутиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Амнистия актини татбиқ этиш борасида ошқоралик ва шафқатлиги таъминлашда парламент ва жамоатчилик назорати муҳим аҳамият касб этишини инобатга олган ҳолда, мазкур жараёнда сенаторлар, депутатлар, фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситаларининг бевоқиф иштирокини назарда тутиш тақлиф қилинади.

Самарали профилактик аҳамиятга эга бўлган амнистия актининг тақлиф этилган тоифадаги шахсларга нисбатан қўлланилиши уларни тезроқ ижтимоий реабилитация қилиш ва жамиятга мослаштиришга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси, 104-моддаси учинчи қисми «д» бандида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахслар бундан мустасно);

4. Аёллар; жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахслар; 60 ёшдан ошган эркаклар; чет давлатлар фуқаролари; I ва II гуруҳ ногиронла-

ҚОЗОГИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ ТЎҒРИСИДА

2016 йил 10 октябр куни Ўзбекистон Республикаси Президенти вазиқасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев ва Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев ўртасида Қозоғистон томонининг ташаббуси билан телефон орқали мулоқот бўлиб ўтди.

Давлат раҳбарлари яқинда олий даражада ўтган учрашувлар чоғида савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт-комму-

никация, маданий-гуманитар ва бошқа соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришнинг долзарб масалалари юзасидан эришилган келишувлар ижросининг боришини муҳокама этдилар.

Томонлар Ўзбекистон ва Қозоғистон делегациялари турли даражадаги амалий ташрифларининг яқунларига, устувор йўналишларда муҳим тижорат шартномалари тузилганига юқори баҳо бердилар.

Шавкат Мирзиёев ва Нурсултон Назарбоев қатор минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

Ўзбекистон ва Қозоғистон раҳбарлари ўзаро манфаатли барча соҳаларда икки томонлама алоқаларни фаоллаштириш, дўстлик ва яқин қўшничилик муносабатларини янада мустаҳкамлаш тўғрисида келишиб олдилар.

У.А.

Бош вазирнинг виртуал қабулхонаси: муаммоларга тезда ечим топилмоқда

Амир Темур куч-қудрат адолат, ҳамжихатлик ва ҳамкорликда мужассам эканини англаб-англабтиб яшаган. Сохибқироннинг давлат муҳрида битилган «Куч — адолатда» ҳикмати ҳақиқатпарварлик ва ростгўйлик инсон кучига куч қўйиши, ўз навбатида, кучли шахс ҳамиша ҳақгўй бўлишини англатади. Ислоҳ Каримов ишлаб чиққан тараққиётнинг «ўзбек модели» — машур беш тамойилнинг бири ҳам айнан қонун устуворлиги эди. Биринчи Президентимиз бутун фаолияти давомида эркин, адолатли ва фаровон ҳаёт қуриш, жамиятимизда қонун устуворлигини, тартиб-интизомни, адолат ва ҳақиқатни қарор топтириш йўлида курашди.

Шу маънода яқинда Ўзбекистон ҳукумати порталида очилган Бош вазирнинг виртуал қабулхонасини (pt.gov.uz) ўзбек давлатчилик мактабига мансуб адолатпарварлик, ҳақиқатни таъминлаш борасидаги аъёнларнинг мантқиқий давоми бўлди, дейиш мумкин. Бугун минглар юртдошларимиз ҳал этилмаган масалалар, муаммолар, ариза, шикоят ёки тақлифлар билан тўғридан-тўғри мамлакатимиз Бош вазирга мурожаат қилмоқда.

Бунда мурожаатни уч усулда — 210-00-00 ёки 10-00 қисқа рақамларига кўнгирик қилиб (кўнгирик мамлакатимиз бўйича бепул бўлиб, унда фақат стационар телефон қўнгирик қилиш нархи бўйича ҳақ олинади), pt.gov.uz манзилидаги махсус мурожаат шаклини тўлдириб ёки Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партиясининг ҳудудий ташкилотларига бориб юбориш мумкин. Сайт (pt.gov.uz) орқали онлайн мурожаат юбориш шакли ҳамма учун тушу-

нарли ва содда тузилган. Сайтда мурожаат мақомини (жавоб берилган-берилмаганини) текшириш мумкин. Энг муҳими, онлайн мурожаатларда электрон рақамли имзо талаб қилинмайди.

Маълумотларга кўра, Бош вазирнинг виртуал қабулхонасига дастлабки кўнгирик мамлакатимизнинг турли жойларидан мингга яқин ариза, шикоят ёки тақлифлар тушган бўлса, бугун мурожаатлар сони 20 мингдан ошиб кетди. Қувонарлиси, ҳозирга қадар юзлаб муаммолар тезда ўз ечимини топди.

Шу йил март ойда урганчиқ Зуфия Бекберганаовнинг 25 ёшли ўғли Хуррам Қурбоновнинг бош миёсида қон қуйилиш ҳолати аниқланган. Шифокорлар уни хоризда даволатишни тавсия қилган. Муложа учун 8 минг доллар зарур эди. 3.Бекберганаова ўтган вақт мобайнида миллий валютани хоризий валютага конвертация қилиш бўйича Хоразм вилоятидаги қатор банкларга мурожаат қилган. Бироқ иши ҳал бўлмаган. Зуфия она сўнги умид сифатида шу йил 26 сентябрда Бош

вазирнинг виртуал қабулхонасига ариза жўнатган.

Порталга мурожаат қилганидан кейин ойлар давомида мени ўйлаган муаммо икки кунда ҳал бўлди, — дейди 3.Бекберганаова. — Ўғлимни хоризда даволатиш учун халқаро тўлов картасига етарлиқ хориз валютасини олганимда, қувончдан йиғлаб юбордим. «Мана, биздай оқий фуқароларнинг ҳам дардини тинглайдиган, муаммоларини ҳал қилиб берадиган инсон бор экан-ку», дедим. Бу портал Ўзбекистонда демократиянинг мустаҳкам қарор топишида жуда катта ва муҳим қадамдир.

Яна бир мисол — Хоразм вилояти Хива туманида истиқомат қилувчи Рохат Абдуллаева ўйи бузилгач, 2014 йили янги қоттежга кўчиб ўтди. Бузилган ўй шартномада 139 миллион сўмга баҳоланади. Бироқ бу маблағдан 38 миллион сўмни ҳоқимлик тўлаб бермади.

— Шу йил 26 сентябр куни Бош вазирнинг виртуал қабулхонасига мурожаат қилдим, 28 сентябрда бузилган ўйимдан қолган 38 миллион сўмни банкдаги омонат дафтарчамга ўтказиб беришди, — дейди Р.Абдуллаева. — Маҳалламиздаги янги қоттежларга кўчиб ўтган 47 кўшимда ҳам шу муаммо бор эди. Вилоят ва туман ҳокимлиги вакиллари уларга ҳам қардорликни тўлаб бермади. Маҳалламизда байрам бўлиб кетди. Неча йиллик муаммоларимизни икки кунда ҳал қилиб бергани учун Бош

У.А.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати еттинчи ялпи мажлисининг очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг еттинчи ялпи мажлиси 2016 йил 12 октябр куни эрталаб соат 10:00 да Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари 2016 йил 11 октябр куни соат 9:00 дан 18:00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойсидида рўйхатга олинади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ёшлар сиёсати, маданият, ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари Комплексининг 2016 йил 9 ойида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш яқунларига бағишланган йилгилиши бўлиб ўтди.

Тўққиз ой яқунлари таҳлил этилди

Йилгилишда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислоҳ Каримов томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йил иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган мажлисида белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлаш борасида Комплекс таркибига кирувчи вазирлик ва идораларда амалга оширилган ишлар натижалари ва келгусидаги вазифалар муҳокама қилинди.

Жорий йилнинг 9 ойида Комплекс

бўйича жами 4,6 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, хизматлар кўрсатилди. Ушш суръати 2015 йилнинг шу даврига нисбатан 127,6 фоизни ташкил этди. Аҳолига 2,9 триллион сўмлик (122,7 фоиз) пуллик хизматлар кўрсатилди.

Инвестиция дастурига киритилган лойиҳалар бўйича 247,3 миллион АҚШ доллари миқдорда маблағ ўзлаштирилди ёки режага нисбатан 115,5 фоизга, экспорт прогнози кўрсаткичлари ҳам ортиги билан бажарилишига эришилди.

У.А.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

2016 йил 10 октябр куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлиси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Н.Йўлдошев олиб борди.

Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг еттинчи ялпи мажлисининг жорий йилнинг 12 октябр куни Тошкент шаҳрида чакиринг тўғрисида қарор қабул қилди.

Сенаторлар Олий Мажлиси ялпи мажлисининг кун тартибига Ўзбекистон Республикаси Президенти вазиқасини бажарувчи Ш.Мирзиёев томонидан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 93-моддасининг 23-бандига мувофиқ парламентнинг қорри палатасига киритилган «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигини ҳимоя қилишга тўрт йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги масаланинг қиритилиши муҳим эканигини алоҳида таъкидлади.

Сенат ялпи мажлисининг кун тартибига мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ҳаётининг барча соҳаларини изчил ислоҳ қилиш ҳамда эркинлаштиришга, аҳоли фаровонлигини оширишга ҳамда ижтимоий ҳимоя қилинишини кучайтиришга қаратилган бир қатор Ўзбекистон Республикаси қонунлари қиритилмоқда. «Кексалар, ногиронлар ва аҳолининг бошқа ижтимоий ҳолатдан тонфалари учун ижтимоий хизматлар тўғрисида»ги, «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгариш қиритиш ҳақида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар қиритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ҳақида»ги қонунлар шулар жумласидандир.

Ялпи мажлисда, шунингдек, «Халқаро меҳнат ташкилотининг бирлашмалар эркинлиги ва касаба уюшмаларига бирлашш ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисидаги 87-сонли Конвенциясини ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни ҳам кўриб чиқилди.

Мажлисида Сенат Кенгаши ваколатига қирадиган бошқа масалалар ҳам муҳокама этилди. Олий Мажлиси Сенати қўмиталарининг ва девонининг еттинчи ялпи мажлисга тайёрларлик қилиш бўйича ишчи мувофиқлаштириш учун Кенгаш томонидан ишчи гуруҳ тузилди.

Барча муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ахборот хизмати

Конференция

Муносиб меҳнатга — муносиб муносабат

Авал хабар қилганимиздек, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан Бутунжаҳон Муносиб меҳнат кўнги бағишланган «Меҳнат соҳасининг истиқболдаги масалалари бўйича миллий мулоқот» мавзусидаги конференция ўтказилди.

Бутунжаҳон муносиб меҳнат кўнги бағишланган ушбу тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари, тегишли вазирлик ва идоралар, нодавлат-нотижорат ташкилотлар, илмий муассасалар, касаба уюшмалари, шунингдек, Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ), ЮНИСЕФ, БМТ Тараққиёт дастури, ЕХХТ, хоризий мамлакатларнинг Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган дипломатик ваколатхоналари вакиллари иштирок этдилар.

У.А.



БУГУННИНГ НАФАСИ

Муносиб меҳнатга

Бош вазирнинг виртуал қабулхонаси:

муаммоларга тезда ечим топилмоқда

Ў(1).

Элликқалъали Илҳомбек Йўлдошев Тошкент тиббиёт академиясининг травматология ва ортопедия йўналиши бўйича магистратурасида 2-курс талабаси. У бу йил шартномага пул топа олмаган. Шу боис Элликқалъа туманидаги барча банк филиалларига таълим кредити ажратишни сўраб, мурожаат қилган. Айтишича, бунинг учун зарур барча ҳужжатни тахлаб олиб бора-да, бирорта банк ходими уларни лоақал варақлаб ҳам кўрмаган.

— Бир кун хатто соат 7 дан 19 гача банкдан банкка қатнаиб сарсон қилишди: бирига борсам, бошқасига жўнатида, ахйри, саргардонликдан ҳаммасига қўл силтаб, Тошкентга қайтдим, — дейди И.Йўлдошев. — Энди ўқини давом эттиришга кўзим етмасди. Шунда Бош вазирнинг виртуал қабулхонаси жонимга оро кирди: мурожаатим уч кунда ҳал бўлди. Ўзбекистон Президентини вазифасини бажарувчи, Бош вазиримиз Шавкат Мирзиёев 5 октябрда Самарқанд вилояти фалолари билан бўлган учрашувда виртуал қабулхонага келадиган ҳар бир мурожаат Бош вазирнинг назоратида бўлишни таъкидлади. Чиндан ҳам шундай: агар менинг арзим Бош вазиримизга етиб бормаганда, билмадим, яна қанча вақт сарсон юрардим ёки ўқини ташлаб кетардим...

Яшириб нима қилдик: куйи бугунлардаги эскича фикрлайдиган айрим раҳбару ходимларга арз қилиб икки-уч марта қатнаган одамга «ёзувчи», «аризабоз» тарзида қарайдиганлар ҳам бор. Албатта, ҳар қандай жамиятда бўлди-бўлмади ишга дарров шикоят ёздагиларга топилади. Бироқ санокли бундай кимсалар касрига қолган шахсларнинг ҳам шикоятларини эътиборсиз қолдириш — жамиятда муаммоларнинг илди ортиб кетишига сабаб бўлиши аниқ-ку! Қолаверса, кучли фуқаролик жамияти барпо этишнинг шартларидан бири — фуқаролар ўз ҳақ-хуқуқларини мукамал билиши, зарур ҳолда, уларни талаб қила олиш лаёқатига эга бўлиши лозим.

Бош вазирнинг виртуал қабулхонаси халқимиз ҳуқуқий маданиятининг юксалиб бориш жараёнида самарали восита, ойдин кўзга бўлмоқда.

Сирдарё вилояти Ховос тумани Гулбаҳор шаҳарчасида яшовчи Муслимбек Холиқбердиев бу йил Гулистон давлат университетининг ижтимоий-иқтисодий факултетига тўлов-контракт асосида ўқишга кирди. Бироқ ота-онаси шартнома пулини тўлаш имконини топа олмади. Шу боис унинг онаси Шоира Абдуғафорова жорий йил 7 сентябрда «Агробанк»нинг Ховос тумани филиалига таълим кредити сўраб, мурожаат қилди. Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 26 июлдаги «Олий ўқув юрталарида тўлов-контракт асосида ўқиш учун таълим кредитлари бериш тўғрисида»ги қарорига кўра, тижорат банклари қарз олувчининг ҳужжатларини 10 иш кунинда кўриб чиқиб, ёзма ҳулоса бериши шарт. Бироқ Ш.Абдуғафорова йигирма кунда ҳам аниқ жавоб ололмади, сарсон-саргардон бўлади. Вазият шу даражада етдики, 30 сентябрда шартнома пули тўланмаса, Муслимбек талабаликдан маҳрум бўлиши аниқ эди.

— Шартнома пулини тўлаш мuddатида уч кун қолган, нима қилишни билмасдик, банк ходимларини судга берайлик, десак, суд бу ишни кўриб чиқишига бир ой керак — жуда бошимиз қотганда, — дейди Ш.Абдуғафорова. — 27 сентябр кунини Бош вазирнинг виртуал қабулхонаси ҳақида эшитдим, дарҳол мурожаат қилдим. Қаранг, эртаси кун «Агробанк» ўғлимга таълим кредити ажратди. Ишим ҳал бўлди, лекин бир савол мени қийнайди: нега энди шунақа кичкина масала ҳам, албатта, Бош вазиримизга етиб бормадан кейин ҳал бўлиши керак? Куйи бугунлардаги раҳбару ходимларга ўз вазифасини қонун доирасида, вақтида, сифатли бажаришга нима халал беради?!

Дарҳақиқат, агар фуқаронинг муаммоси куйи бугунда ҳал бўлса, у юқори ташкилотларга мурожаат қилмайди. Чунки бугунги замон шиддатда ҳар дақиқа — ғанимат, катта бойлик. Шундай экан, Бош вазирнинг виртуал қабулхонасининг ўрнатилиши, маҳаллий давлат ҳокимияти раҳбарлари фуқаролар мурожаатларини шахсан ўз назоратида олиши, уларнинг муаммоларини ҳал қилишда самарали тизимни йўлга қўйиш вақти аллақачон етиб келган. Ахир кимдир умид билан ҳокимнинг олдига бора-ю, қабулгига кира олмаса, ҳафталаб-ойлаб ҳокимият эшигида сарғайса, шундан сўнг қўли бирор ишга борадими? Шундай вазиятдан кейин унинг қалбида табиий ниш ура бошлаган жамиятдан норозилик эртага газак отиб кетмаслигига ким кафолат беради?!

Сирдарё туманида истиқомат қилувчи Мирсаид Низомов Бош вазирнинг виртуал қабулхонасига ўзи яшаётган ҳудудда 5-6 йилдан буюн табиий газда мунтазам узлишлар бўлаётганини айтиб, ушбу масалани ҳал этишда ёрдам сўраб мурожаат қилган. Сирдарё вилояти ҳокимлигидан маълум қилишларига, мурожаатни ўрганиш жараёнида газ қувурлари чиндан ҳам таъмирга муҳтож эканлиги аниқланган. Тез кунларда қувурлар таъмирланиб, табиий газ таъминоти тўлиқ йўлга қўйилади. Савол туғилади: ушбу туман муассаддилари нега мазкур масалани ўз вақтида ўрганиб, тезда чора кўрмади? Ёки улар Бош вазирга мурожаатдан сўнггина бу ерда газ қувурлари чиндан таъмирталаб эканини билиб қолшадими?.. Ёки ушбу туманда яшовчи яна бир фуқаро Татьяна Кареванинг ўзи истиқомат қилаётган ҳудудда ичимлик суви муаммосини ҳал этишни сўраб қилган мурожаати ўрганилганда, бу ерда ичимлик суви таъминоти тўлиқ йўлга қўйиш учун 500 метр масофада қувур ётқизиш лозимлиги аниқланди. Аини пайтда бу борадаги лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланиб, 2017 йилги Инвестиция дастури асосида қурилиш ишлари амалга оширилиши белгиланди.

Шу йил 26 сентябрда Хоразм вилояти Янгирок тумани Чирчи қишлоғидан Хурмат Матёқубов виртуал қабулхонага мурожаат қилиб, мазкур ҳудудда тоза ичимлик суви йўқлиги, қудуқлар суви шўр бўлгани учун аҳоли 3 километрга нарига бориб, ичиш учун сув келтираётганини айтди. 2009 йили бу муаммони бартараф этиш учун иш бошланган, бироқ чала қолганди.

— Мурожаатимиздан икки кун ўтиб, кишлоғимизда қурилиш ишлари бошланиб кетди, — дейди Х.Матёқубов. — Ҳозир 2009 йили ётқизилган, аммо чирин улгурган қувурларни ҳам қазиб олиб, янгилашяпти. Бутун кишлоқ ахли неча йиллик муаммо ҳал бўлганидан ўзида йўқ хурсанд.

...Бундай мисоллар кўп. Эътиборлиси, ҳал бўлган ҳар бир мурожаат ортида ўнлаб, ҳатто юзлаб одамлар ҳаётидаги бир ўзгариш, янгиланиш мумкин. Бу фуқароларнинг давлат ҳокимиятига, жамиятга, эртанги кунга ишончини мустаҳкамлашда ниҳоятда муҳим омиллар. Биринчи Президентимиз Ислам Каримов «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарига жамиятда адолат ва ҳақиқатни қарор топтириш вилжон поклиги ва бедорлигига боғлиқ эканини таъкидлаган: «Виждони уйғоқ одам ён-атрофида бўлаётган воқеаларга, ёрдам ва кўмакка муҳтож инсонларнинг муаммоларига, адолатнинг топталишига бефарқ қарай олмайди... Бундай ҳолатларни кўрганда виждон қийналади, доимо ёниб-қуйиб яшайди, қандай қилиб бўлмасин, уларни бартараф этишга интилади...».

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг виртуал қабулхонаси барчамизни Биринчи Президентимизнинг буюк давлати — уйғоқ виждон билан яшашига-ишлашига ундаётгани билан аҳамиятлидир.

ЎЗА

Ў(1).

Йиғилишда Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган чора-тадбирлар дастурининг 9 ой давомидаги ижроси атрофида муҳокама қилинди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларда ёшларнинг фаол иштирокчини таъминлаш, юксак маънавият, мустақил ва эркин фикрлайдиган, замонавий илм-фан ютуқларини пухта ўзлаштирган, ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодчи вояга етказишга қаратилган ёшларга оид давлат сиёсатини изчи амалга ошириш, жойларда уюлмаган ёшларнинг қизиқиш ва эҳтиёжларини мунтазам ўрганиб бораган ҳолда уларни фойдала меҳнатга жалб этишга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқиш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Тўққиз ой яқунлари таҳлил этилди

Мажлисда маданият ва санъат соҳасини янада кенг ривожлантириш, бу масалани комплекс тарзда ҳал этиш, инсонларни, айниқса, ёшларни маънавий баркамол этиб тарбиялаш, ёшлар онгига Ватанга муҳаббат туйғусини янада чуқурроқ синдириш, музейлар воситасида ҳалқимиз тарихининг энг ёрқин саноқларини ва ҳозирги ҳаётини, мамлакатимизнинг эркин демократик тараққиётини ёритиб берадиган асарлар яратишда ижод аҳлига, ижодий жамоаларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Ёшларни театр ва музейларга кенгроқ жалб қилиш, ёшлар талабига жавоб берадиган асарлар яратиш, эстрада йўналишини тартибга солиш, бунда яратилаётган қўшиқларнинг бадиий-ғоявий савиясини ошириш, музейлар, театрлар ва кинотеатрларнинг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, ёшларнинг замонавий ахборот-коммуникация технологиялари асосида ўзаро мулоқотлари учун қўлай, ишончли маълумотларга бой бўлган маҳаллий ижтимоий тармоқлар яратиш каби масалалар батафсил муҳокама қилинди.

Комплекс йиғилишда ахборот-коммуникация технологияларини изчил ривожлантириш, давлат ва ҳужалик бошқаруви, маҳаллий ҳокимлик органларида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада кенг жорий этиш юзасида амалга оширилиши лозим бўлган долзарб вазифаларнинг бориши, ходимларнинг компьютер саводхонлиги бўйича билим даражасини ошириш натижалари каби масалалар таҳлил қилинди.

Интерактив давлат хизматларини кўрсатиш орқали кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳамда аҳоли учун бюрократик тўсиқ ва говларни бартараф этиш, уларни ахборот билан таъминлаш тизимини ривожлантириш мақсадида амалга оширилган ишлар атрофида муҳокама қилинди.

Йиғилишда «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастурини белгиланган вазифалар ижроси юзасида таҳлилий мақолаларни, курсатув ва эшиттиришларни босма ва электрон оммавий ахборот воситаларида, хоржий давлатларда кенг тарғиб қилиш юзасида белгиланган чора-тадбирларни янада кучайтириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Йиғилишда Комплекс тарқибига кирувчи вазирлик ва идораларда 2016 йил учун белгиланган устувор вазифалар ижросини тўла амалга ошириш юзасида қўшимча чора-тадбирлар белгиланиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

ЎЗА

«Оналари соғлом — болалари баркамол Ватан!» республика танловига

Бугунги обод, эртаси нурафшон

Ҳозир Тахиятош шахрида ўнлаб йирик қорхона ва ташкилотлар фаолият кўрсатаётир. Уларда банд бўлган шахар аҳолисининг дастурхони тўқис, ҳаёти фаровон. Истиқлол шахар учун чинакамги тараққиёт даврини бошлаб берди: намунавий лойиҳа асосида қўлаб замонавий турар-жойлар, коллеж, мусика ва санъат мактаби, никоҳ уйи ва маданий-машиий, савдо иншоотлари ишга туширилди. Бу ерда мусика соҳасида таълим олаётган ўғил-қизлар ўз истеъодларини намойиш этиб, пулвонлар эса жаҳон соҳусларида мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилишмоқда.

МОМОЛАРИ АЛЛА АЙТГАН АЛПОМИШГА

Тахиятош иссиқлик электр станциясининг «Шугла» дам олиш маркази Гулсарахоннинг сайё-ҳаракати эвазига қайта таъмирдан чиқарилиб, маданий-маърифий тадбирлар ўтказиладиган масканга айлантирилди.

Яна ҳам муҳимроғи, марказнинг 2009 йилдан буюн фаолият кўрсатиб келаётган «Шугла-Нур» ашула ва рақс гуруҳи ихтиёрига топширилганда бўлди. Эндиликда қорхонада меҳнат қилаётган санъатга шайдо опа-сингилларимиз машғулот учун хона излаб юришмайди. Бинода ҳаваскорлар учун барча имконият яратилган.

— Ҳамжихатликда маъно кўп, — дейди жамоа бадий раҳбари Гулсара Жулибекова. — Утган

даврд жамоа оддий гуруҳдан «Халқ ҳаваскорлар жамоаси» даражасига қадар юксалди.

Бугун «Шугла-Нур» халқ ҳаваскорлар жамоаси ўзининг концерт дастурлари ранг-баранглиги эътиборни кучайтирган ҳолда, халқ миллий ашула ва рақсларига мек кийимлар тиктирмоқда, янги чолғу асбоблари харид қилмоқда. Изланувчан, тиниб-тинчимас жамоа аъзоларининг маҳорати чарчланган сари, томошабинларнинг эътибор ва олқиши ҳам ортиб бормоқда. Натижада, байрамлар, кўрик-танловлар ҳамда халқор фестивалларда фаол қатнашиб, муносиб ўринлар эгалланмоқда.

— Яратганга шукрлар бўлсинки, юртимиз тинч, ҳаётимиз фаровон, оиламизда хотиржамлик, — дейди қувониб жамоа қатнашчиси Қизларгул Тилебова. — Шундай экан, қанча қўшиқ айтиб, рақсга тушсак ярашади. Зеро, бу заминда моламола-римиз алла айтиб, тўйларга хиром айлаган.

Дарҳақиқат, жамоа кўлга киритаётган ютуқлар салмоқли. Жумладан, 2013 йилда Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан ҳаваскорлик санъати ва номоддий маданият мерос дурдоналарини тарғиб этишдаги хизматлари, санъат орқали ёш авлодини тарбиялашга қўшаётган ҳиссаси, шунингдек, республика миқёсидаги кўрик-танлов ва фестивалларда совринли ўринларни қўлга киритгани учун «Шугла-Нур» ашула ва рақс ансамблига «Халқ ҳаваскорлик жамоаси» унвони берилди. Бугина эмас, Туркманистон Республикасида ўтказилган «Аваз — 2014» халқор қўшиқ ва мусика, фольклор жамоалари фестивалида диплом ва қимматбаҳо совғага муносиб топилди. Жорий йил Навоий вилоятида ўтказилган фольклор-этнографик ансамблларининг «Нурли наволар» республика фестивалида I даражали диплом билан тақдирланди.

Ансамбл турли миллат вакилларидан тарқиб топган. Айниқса Қ.Тилебованинг Ўзбекча, А.Юсупованинг қорзочка, Г.Жулибекованинг қоракалпоқча, С.Нарзибекованинг туркманча, Г.Сабированинг рус ва татарча ижро этган ашула ва рақслар барчага манзур бўлмоқда.

— Ҳаваскор қизларимиз нафақат ишда илғор, балки санъатда ҳам, оилада ҳам барчага ибрат,

— дейди қорхона касабаси уюшма кўмитаси раиси Нурилла Абдуллаев. — Наврўз байрамиди тайёрланган миллий таомлар: сумалак, гўжа, чак-чакнинг таъми хануз осимда.

СОҒЛОМЛАШТИРИШ РЕЖАСИ АСОСИДА

Тахиятош «Болалар уйи»да уч гуруҳда, энди-гина дунёга келган мурғак чақалоқлардан тортиб, 6 ёшгача бўлган 43 нафар болажон тарбияланмоқда. Уларнинг соғлом ўсиши йўлида 2 нафар малакали шифокор, 7 нафар ўрта бугун тиббиёт ходими ва 16 нафар педагог тарбиячи фаолият кўрсатаётир. Шунингдек, махсус ижтимоий ходим, логопед, юрист ва психолог штатлари жорий этилиб, малакали кадрлар билан таъминланган.

Кичикинтойлар ёши, психофизик, интеллектуал ривожланиши ҳисобга олинган ҳолда, «Болалар» таълим дастури асосида гуруҳларга бўлиниб машғулотларда қатнашмоқда. Чуқурлаштирилган тиббий кўрик натижаларига кўра, аниқланган касалликлар соғломлаштириш режаси асосида даволанади. Камқонлик касаллиги мавжуд болаларга дори воситаларининг ташқари, қўшимча таомнамалар тўзилиб, витаминларга бой, иштаха очувчи қўшқатлар, мевашарбатлари, наъматак дамламалари бериб борилади.

Болалар ўртасида юқумли касалликларнинг олдини олиш мақсадида тарғибот ишлари йўлга қўйилган бўлиб, янги келган болалар тиббий кўридан ўтказилиб, қон таҳлили аниқланганда, тегишли даволаш муассасасига қабул қилинади.

— Муассасамизда олиб бориладиган қурилиш ва таъмирлаш ишларидан кейин, барча шароитга эга, замонавий ва кўркам иморатлар мажмуғига эга бўлди, — дейди бош шифокор Анжела Умирова. — Хоналар янги ҳизмат билан таъминланиб, ҳар бир гуруҳ учун алоҳида уйин майдончалари ташқил этилди.

Болалар уйида тарбия топаётган ўғил-қизлар учун байрам тадбирлари алоҳида меҳр билан уюштирилади. Наврўз айёми арафасида 5 нафар боланинг суннат тўйи ўтказилиб, бола-

ларидан бири — фуқароларнинг меҳнат соҳасида асос солувчи ҳуқуқларини рўйб-га чиқариш стратегиясига асосан Ўзбекистон касабаси уюшмалари ўз аъзоларини ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоялаш, улар муносабатлари юзасидан тезкор амалий чоралар кўриш бўйича кенг қўламли ишларни амалга оширмоқда. Фуқароларга ижтимоий-меҳнат соҳасига оид масалаларга бепул юридик хизмат кўрсатиш ҳамда ижтимоий-меҳнат соҳасига оид халқор ва миллий стандартларни тарғиб этиш қўламини кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси қошида Юридик клиника фаолияти йўлга қўйилди.

Таъкидлаш зарурки, Ўзбекистон касабаси уюшмалари меҳнатга оид қонунларга риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини олиб бориш, ходимлар меҳнат ҳуқуқини ҳимоя қилиш, жамоа муокараларини юритиш борасидаги ўз вазифаларини бажариш учун кенг ҳуқуқ ва имкониятлар берилган. Ўзбекистон касабаси уюшмаларининг бандликка кўмаклашиш борасидаги фаолиятида янги иш ўринлари ҳақиқатда яратилганини жойларга чиқиб ўрганиш амалиёти жорий этилгани ижобий самара бераётир. Ижтимоий ҳимояталаб шахслар бандлигини таъминлаш учун уларнинг квоталанган иш ўринларига ишга қабул қилиниши устидан жамоатчилик назоратини олиб бориш, меҳнат ярмаркаларига вақтинча банд бўлмаган фуқароларнинг оммавий ташрифини уюштириш ишларига кўмаклашиш, қанчалар иш ўринларида меҳнат қилаётган фуқароларга нисбатан жамоа шартномалари шартлари татбиқ этилишига эришиш йўналишида ҳам касабаси уюшмалари томонидан эътибор кучайтирилган. Бундан ташқари, ходимлар малакаси оширилишига кўмаклашиш, ходимларнинг тўла бандлигини таъминлаш масалалари ҳам касабаси уюшмаларининг устувор вазифалари қаторидан ўрин олган.

Нодават сектори қорхоналарида касабаси уюшма ташкилотларини тузиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ходимларини касабаси уюшмаларига жалб этиш орқали улар ижтимоий ҳимоясини таъминлаш ишлари амалга оширилмоқда.

Бутунжаҳон Муносиб меҳнат кўнига ёшларга ўтказилган конференцияда мазкур йўналишлардаги ишларнинг барчаси Ўзбекистонда давлат, касабаси уюшмалари ва иш берувчилар ўртасида йўлга қўйилган самарали ижтимоий шериклик ва ижтимоий мулоқот натижаси эканлиги ҳамда фуқароларнинг муносиб меҳнатга бўлган ҳуқуқларини тўлақонли таъминлаш учун хизмат қилаётгани алоҳида эътибор этилди.

«Меҳнат ва жамият», «Муносиб иш жойлари барча учун», «Меҳнат ва ишлаб чиқаришни ташқил этиш», «Меҳнат соҳасини бошқариш» каби йўналишлар бўйича кенг муҳокамаларни қамраб олган мазкур конференция иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Конференция якунида иштирокчилар ҳамда жойлардан тушган меҳнат соҳасининг барча йўналишларига оид тақдирлар умумлаштирилиб, тавсия тариқасида ХМТга тақдим этилиши таъкидланди. Бу глобал даражада меҳнат муносабатларининг ривожланишига Ўзбекистоннинг муносиб ҳиссаси бўлади.

Мазкур мавзудаги конференциялар республикамизнинг барча ҳудудларида ташқил этилди.

Муҳаббат УРМОНБЕКОВА,
Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси Кенгаши
Матбуот хизмати раҳбари

МУНОСИБ МУНОСАБАТ

Сўз – конференция иштирокчиларига

Сергиус ГЛОВАЦКАС, ХМТ Бюросининг Марказий Осиё ва Шарқий Европа мамлакатлари учун бош мутахассиси:

— Яқинда Халқаро меҳнат таъминоти ташкил топганининг 100 йиллиги муносабати билан халқаро миқёсда қатор тадбирлар ташкил қилиниши белги-ланган. Аминимизи, Ўзбекистон ҳам мазкур тадбир-ларда ХМТнинг Марказий Осиёдаги муҳим ва йирик аъзоси сифатида фаол қатнашади. Ушбу тадбир-ларда уч томонлама шериклар, халқаро ташкилот-лар, илмий тадқиқот институтлари, жамаот ташки-лотлари ҳам иштирок этади.

Шунингдек, бунда аъзо давлатлар юз йилликнинг асосий масалалари бўйича миллий музокараларни уюштириши зарур. Меҳнат ва жамият, барча учун муносиб иш ўринлари, ишлаб чиқариш, меҳнат соҳасини бошқариш масалалари шулар жумласи-дан. Бунда ХМТнинг уч томонлама иштирокчилари томонидан келишилган меҳнат соҳасига дахлдор юз йиллик ташаббуслари муҳим аҳамият касб этади.

Умар ЁҚУБОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий-иқтисодий масалалар қўмитаси раиси:

— Дарҳақиқат, Истиқлол йилларида мамлака-тимизда меҳнат, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш масалаларида кенг қўлланма ишлар олиб борилди. Чунончи, соҳага тааллуқли қонунчилик базаси шакллантирилди. Уларни амалиётга татбиқ қилишнинг самарали механизми ишлаб чиқилди. Қуни кеча Ўзбекистон Респуб-ликаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томо-нидан «Қасаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар

кириштириш ҳақида»ги қонун қабул қилингани ҳам бу борада муҳим қадам бўлди.

Баҳодир НИЗОМОВ, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазири ўринбосари:

— Ўзбекистонда аҳолини иш билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор бериб келинади. Айниқса, ёшлар бандлигини таъминлаш мамлакат сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Янги иш ўринларини яратиш бўйича кўп-кўп лойиҳалар амалга оширилмоқда. Масалан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожланти-риш, ёшлар ташаббусини қўллаб-қувватлаш мақсадида уларга имтиёзли асосларда кредитлар бериш, ўқув муассасаси, иш берувчи ва маҳаллий ҳокимият органлари ўртасида тузилладиган шарт-номалар асосида касб-ҳунара коллежи битирувчи-ларини иш билан таъминлаш каби тажрибалар халқаро миқёсда эътироф этилмоқда.

Маҳмуджон ИСАЕВ, ЎзҚУФК меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими мудир:

— Бандлик масалаларини ҳал этиш, иш ўринла-рини меҳнат муҳофазаси талаблари даражасида жиҳозлаш бутун дунёда соҳа мутахассислари олдида турган муҳим масалалардан ҳисобланади. Бу борада Ўзбекистонда қатор ижобий тажриба-лар мавжуд. Жумладан, яқиндагина мамлаката-имизнинг «Меҳнат муҳофазаси тўғрисида»ги қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши муҳим қадам бўлди. Унга қўра, соҳада жамоатчи-лик назорати янада кучайтирилади, бу борада қасаба уюшмаларининг роли оширилади.

Аввал айтиб ўтганимиздек, Бутунжаҳон Муносиб меҳнат куни муно-сабати билан республикамизнинг барча ҳудудларида давра суҳбат-лари ташкил этилди.

Унда ҳамкор ташкилотлар мутасаддилари, корхона, ташкилот ва муассасаларнинг меҳнати муҳофаза қилиш вакиллари, матбуот ходимлари иштирок этди.

Давра суҳбатлари катта қизиқиш уйғотди

СИРДАРЁ вилоятида ўтказилган давра суҳбатида мамлакатимизда ҳуқуқат, қасаба уюшмалари ва иш берувчилар томонидан Муносиб меҳнат концепциясини амалга ошириш бўйича таъминоти ишлар амалга оширилган-дигани алоҳида таъкидланди. — Меҳнат кишини ҳимоя қилиш, муносиб меҳнат шартини яратишда меҳнат ва ижтимоий масалаларга оид қонун ҳужжатларини такомил-лаштириш масаласи бирламчи ўрин тутди. Бу борадаги сайё-ҳаракатлар ўзининг ижобий самарасини бераёт-тир, — деди, жумладан, бирлашма кенгаши раиси Камолидин Окўба-ев. — Шунингдек, аъзоларни ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоялаш, уларнинг му-рожаатлари юзасидан тезкор амалий чоралар кўришга ҳам қасаба уюшма-

лари томонидан алоҳида эътибор қаратилаётти. Тадбир давомида Савдо-саноат па-латаси вилоят бошқармаси бошлиғи Баҳодир Бойқулов, вилоят Меҳнат бош бошқармаси меҳнат ҳуқуқи инспекция-си бошлиғи Муҳаммади Абдураҳмо-нов ҳамда вилоят қасаба уюшма таш-килотлари бирлашмаси меҳнати му-ҳофаза қилиш бўлими мудир Бозор-бой Исмаилов иш берувчиларнинг и-жтимоий масъулияти, янги иш ўринла-рини ташкил этиш, коллеж битирув-чиларини иш билан таъминлаш ҳамда янги таҳрирдаги «Меҳнат муҳофаза-си тўғрисида»ги Ўзбекистон Респуб-ликаси Қонунининг аҳамияти ҳақида кенг тўхталиб ўтилди. ***

ХОРАЗМ вилоят қасаба уюшма

ташкilotлари бирлашмасида бўлиб ўтган давра суҳбати жонли мулоқот асосида кечди.

— Тадбиримиздан мақсад ижтимо-ий-иқтисодий масалалар ечим хусу-сида тегишли тавсиялар ишлаб чи-қиш, ирёмбоя шериклик тамойилла-рини рўқибга чиқаришдаги ўзаро ҳам-корликни янада кучайтириш, мамла-катимизни модернизация қилиш йўлидаги иқтисодий ислохотлар маз-мун-моҳиятини кенг оммага тушунти-риш ишларини янада кучайтиришдан иборат, — деди бирлашма кенгаши раиси Р.Жабборов.

Давра суҳбатида Халқаро меҳнат ташкилотининг Муносиб меҳнат кон-цепцияси, янги иш ўринларини таш-кил этиш, коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш борасида амал-га оширилган ишлар, иш берувчи-ларнинг ижтимоий масъулиятини ошириш оммилари, ходимлар учун муносиб меҳнат шартини яратиш борасидаги янги таҳрирдаги «Меҳнат муҳофазаси тўғрисида»ги қонуннинг аҳамиятига алоҳида эъти-бор қаратилди.

Халқаро меҳнат ташкилоти эксперт-и М.Худдиев, вилоят меҳнат бош бошқармаси мутахассиси Р.Байджо-нов, вилоят қасаба уюшма ташкилот-лари бирлашмаси бўлими мудирла-ри М.Исметов ва М.Отабоев ишти-рокчиларнинг саволларига батафсил жавоб беришди.



Семинар

Сурхондарё вилоят қасаба уюшма ташки-лотлари бирлашмасида Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси ва Халқаро меҳнат ташкилоти ҳамкорлигида «Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар-да қасаба уюшмаларининг фаолияти» мавзусида семинар бўлиб ўтди.

Унда ХМТнинг Шарқий Европа ва Марказий Осиё давлатлари учун Бюро-си бош мутахассиси Сергеюс Гловац-кас, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоят қасаба уюшма ташкилотлари бирлаш-малари вакиллари, хорижий инвести-циялар иштирокидаги ва бошқа корхо-на, муассаса, ташкилотларнинг қасаба уюшма етакчилари иштирок этди.

Семинарда Сергеюс Гловацкас «Қўп миллатли корпорациялар ва ижтимоий сиёсатга тааллуқли тамойиллар уч то-монлама декларацияси» мавзусида сўзга чиқиб, ХМТ ташкил топishi, дав-латимиз томонидан ратификация қилин-ган Конвенцияларнинг мазмун-моҳияти, кейинги йиллардаги ҳамкорлик ва эри-шилган натижаларга атрофда тўхта-либ ўтди.

Шунингдек, «Муборак газни қайта ишлаш» масъулияти чекланган жамия-ти ҳамда «Жарқўрган нефтни қайта иш-лаш» Ўзбекистон-Россия қўшма корхо-наси қасаба уюшма қўмитаси раисла-ри Акрам Ҳайроев ва Саодат Ҳужам-бердиевалар ходимлар ижтимоий ҳимоясини таъминлаш борасида иш тажрибалари ҳақида гапириб берди.

Сўнгра ЎзҚУФК меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими мудир Маҳмуд-жон Исаев «Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарда ижтимоий мулоқот» ҳамда Қашқадарё вилоят қасаба уюшма ташкилотлари бирлаш-маси меҳнати муҳофаза қилиш бўлими бошлиғи Анвар Ҳўжақулов «Хорижий и-жтимоий иштирокидаги корхоналарда ме-ҳнат муҳофазаси» мавзусида маъруза қил-ди. Шунингдек, ХМТ билан қасаба уюшма-лари ҳамкорлигида олиб бораётган ишларга батаф-сил тўхталиб ўтилди.

Иштирокчилар ўзларини қизиқтирган савол-ларга мутахассислар томонидан атрафлиқа жа-воб олишди.

Рустам ДАВЛАТОВ, «Ishonch» мухбири

САВОЛ БЕРИНГ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ

ИЖТИМОЙ ТЎЛОВ

САВОЛ: Эшгитишмча, мамлакатимиз қонунлари бўйича марҳумнинг оила аъзоларига дафн маросимла-рини ўтказиш учун давлат томонидан ижтимоий тўлов-лар берилар экан. Ушбу тўловнинг иқдори қанча?

Р.БОБОЖОНОВ, Хонқа тумани

ЖАВОБ: Дарҳақиқат, Меҳнат кодексига давлат ижтимо-ий сугуртаси бўйича тўланадиган нафақалар турлари бел-гилаб қўйилган. Унда ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси, бола туғилганда тўланадиган нафақа ва бошқалар қаторида дафн этиш маросимлари учун бериладиган нафақа ҳам санаб ўтилган.

«Давлат ижтимоий сугуртаси бўйича нафақалар тайин-лаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги Низомда дафн этиш маросимлари учун бериладиган нафақа ижтимоий сугурта жорий қилинадиган ходимларга, шунингдек, қонунчиликда кўзда тутилган ҳолларда бошқа фуқароларга ҳам берили-ши баён қилинган. Бу ўринда иш берувчининг давлат иж-тимоий сугуртаси бўйича бадал тўламагани сугурта қилин-ган ходимни давлат ижтимоий сугуртаси нафақалари бил-ан таъминлаш ҳуқуқидан маҳрум қилмаслиги ҳам бел-гилаб қўйилган.

Мазкур нафақа ходим ёки унинг қарамоғида бўлган оила аъзолари (турмуш ўртоғи; 18 ёшга тўлмаган ёки вақтинча меҳнатга қобилиятсиз (ёшидан қатъи назар) болалари, ака-укалари ва опа-сингиллари; ота-онаси; бобоси ёки буви-си) вафот этганда берилади. Яшаш учун мустақил маблағ манбаига эга бўлган (иш ҳақи, пенсия, стипендия олувчи, ширкат ҳўжалигининг меҳнатга қобилияти аъзолари ҳисоб-ланувчи ва ҳоказо) оила аъзолари қарамоғида турган деб ҳисобланмайди. Ходим вафот этганда нафақа унинг оила аъзоларига ёки маросимни ўтказишни ўз зиммасига олган шахсларга тўланади.

Оиланинг вафот этган аъзосини дафн этиш маросими учун нафақа ишловчи ходимга энг кам ойлик иш ҳақининг тўрт баравари миқдорига берилади.

Ишламайдиган пенсионер вафот этган тақдирда дафн этиш маросими учун нафақа унинг оиласига ёки пенсио-нернинг дафн маросимини ўтказган шахсга марҳумнинг икки ойлик пенсияси миқдорига, лекин энг кам ойлик иш ҳақининг икки ҳиссасидан кам бўлмаган миқдорда, ижтимоий таъми-нот бўлими томонидан тўланади.

Тенг имкониятларга эга

САВОЛ: Пенсиядаги шахс ишлашни хоҳласа, унинг ёши ишга қабул қилишни рад этиш учун сабаб бўли-ши мумкинми?

П.ТУРОПОВ, Чирчиқ шахри

ЖАВОБ: Меҳнат кодексининг 6-моддасига мувофиқ бар-ча фуқаролар меҳнат ҳуқуқларига эга бўлиш ва улардан фой-даланишда тенг имкониятларга эгадир. Жинси, ёши, irqи, миллати, тили, ижтимоий келиб чиқи-ши, мулкий ҳолати ва мансаб мавқеи, динга бўлган муноса-бати, эътиқоди, жамоат бирлашмаларига мансублиги, шун-ингдек, ходимларнинг ишчанлик қобилиятлари ва меҳнати натижаларига алоқадор бўлмаган бошқа жиҳатларига қараб меҳнатга оид муносабатлар соҳасида ҳар қандай чеклашлар ёки имтиёзлар белгилашга йўл қўйилмайди ва булар кам-ситиш деб ҳисобланади.

Демак, иш берувчи меҳнат шартномасини тузиш учун бир-рор-бир чегараланган ёшни белгилаш ҳуқуқига эга эмас. Бун-дай ёшни белгилаш МКнинг 6-моддасига асосан тақиқла-нади.

Шунингдек, МКнинг мазкур моддаси меҳнат соҳасида меҳ-натнинг муайян турига хос бўлган талаблар ёки давлатнинг ижтимоий ҳимоясига муҳтож бўлган шахслар тўғрисидаги алоҳида гамҳўрлиги билан боғлиқ фарқлашларни камситиш деб ҳисобланади.

Бироқ 2011 йил 1 январдан бошлаб ходим пенсия ёшига етган ҳолларда унда қонун ҳужжатларига мувофиқ ёшга доир давлат пенсиясини олиш ҳуқуқи пайдо бўлса, иш берувчи-нинг ташаббусига қўра меҳнат шартномаси бекор қилини-ши мумкин.

Саволларга Чирчиқ шахридаги 3-ДНИ нотариуси Ойбек БОЗОРОВ жавоб берди.

ТУЗАТИШ

2016 йил 23 августдаги «Ўзбекистон бунёдкори» газетасининг 7-сонда чоп этилган «Навий шахридаги 7532-сонли ҳарбий қисм клуби биносини капитал таъмирлаш» объекти бўйича танлов савдолари махсус лицензияга эга бўлмаган қурилиш-пуд-рат ташкилотлари ўртасида ўтказилган, қолган шартлар ўзгари-рилмаган ҳолда.

Хизматлар лицензияланган.

жонларга мутасадди ва ҳомийлар томонидан қим-матбаҳо совға-саломлар топширилди. Бугун ҳудуд атрофи кўкаламзорлаштирилиб, обод масканга айлантирилган. Турли-туман ме-вали ва манзарали даракларни кўрган киши-нинг ҳаваси келади. Жажжи болажонлар шўх кул-гусини эшитиб, олиб борилган сайё-ҳаракатлар ўз самарасини бераётганига қайта-қайта ишонч ҳосил қиласиз.

Уч йўналиш бўйича

Ҳўжайли тумани 2-сонли «Баркамол авлод» бо-лалар марказида Тахиятош шахридан 554 на-фар ўқувчи қатнашиб, уч йўналиш бўйича 57 гу-руҳда таълим-тарбия олаётти. Эътиборли жиҳа-ти, барча йўналиш ва гуруҳларга ўқувчилар ўла-рининг истаги ҳамда ота-оналар тавсияси билан қабул қилинади.

Болаларнинг бўш вақтини мазмунли ва сама-рали ўтказиши, аниқ бир касбга йўналтириш ор-қали уларни келажақда туран эгаллашига замин тайёрлаш бош мақсад бўлиб, таълим-тарбия иш-ларида 39 нафар мутахассис ташаббускорлик билан фаолият кўрсатмоқда.

— Муассасамизда 2013 йил реконструкция иш-лари тугаланиб, марказимиз замонавий кўйфа касб этди, — дейди марказ директори ўринбо-сари Баҳит Елмуратов. — Таъмирлаш ишларида 289 млн. сўм маблағ йўналтирилиб, машғулот ўтиш хоналари янги, замонавий жиҳозлар билан таъминланди.

Йил давомида очик тўғарак машғулотлари режа асосида ўтказилади. Фолклор, ёш пазан-да, ёш қандолатчи, расм чизиш, тўқиш, чевар қўллар, ёш дастурчи, компютер-сервис хизмати, гилам тўқиш, бичиш-тиқиш, юмшоқ ўйинчоқлар, журналистика ва сўзлашув маданияти, оила ҳамда саломатлик тўғараклари раҳбарларининг очик машғулотлари барчада чуқур таассурот қол-дирмоқда.

Болаларни аждодлар меросига ҳурмат ва мил-лий қадриятларимизни эъозлаш руҳида тарбия-лаш учун барча чора-тадбирлар кўрилмоқда. Ху-сусан, Алишер Навоийнинг 575 йиллиги, Бобур таваллудининг 533 йиллик айёмлари кенг ни-шонланди. Саҳна кўриниши ҳамда концерт дас-

турларида фаол қатнашган болалар фахрий ёрлик ва совғалар билан тақдирланди.

Марказ тўғаракларига қатнаб, истеъдодини юк-салтираётган ўқувчилар қўпчиликини ташкил эта-ди. Улар ҳудуд ва республика миқёсида ўткази-ладиган кўрик-танловларда нуфузли ўринларини эгаллашга муваффақ бўлаётгани, айниқса, таҳ-синга лойиқ. Жумладан, жорий йил май ойида Тошкент шахрида уюштирилган танловда гилам тўқиш тўғрисида аъзоси Гулҳумор Ҳўжаниязова ик-кинчи ўринни эгаллаб, диплом ва қимматбаҳо совға билан тақдирланди.

ИСТЕЪДОДЛИ ЁШЛАРГА КЕНГ ЙЎЛ

Янгидан бунёд этилган 7-муסיқа ва санъат мактаби нафақат иқтидорли болалар, балки та-хиятошлик ота-оналарни ҳам хурсанд қилди. Ши-нам, чиройли, кенг ва ёруғ хоналарда машғулот ўтишини ўзгача гашти бор, албатта.

2013 йил икки қаватли замонавий бино фой-даланишга топширилган, санъатга қизиқувчи ёшларнинг қалби нурга тўлди. Бу ерда ўғил-қиз-ларнинг ҳар томонлама баркамол бўлиб воғна этиши ва санъат сирларини пухта эгаллаши учун кенг имконият яратилган. Мамлакатимиз Бирин-чи Президентининг 2008 йил 8 июлда қабул қилинган «Болалар муסיқа ва санъат мактаб-ларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009 — 2014 йилларга мўлжалланган Давлат дас-тури тўғрисида»ги қарори бу борадаги ишларда дастуриламал бўлмоқда.

— Янги бино қурилишига ҳукуматимиз томо-нидан 2 млрд. 350 млн. сўмдан зиёд маблағ сарфланди, — дейди мактаб директори Кулаш Заримова. — Замонавий жиҳозлар ва янги чолғу асбоблари олиб келинган, яратиб бериладиган қулайликлар ишимиз сифати ва самарасига ижо-бий таъсир кўрсатмоқда.

Бугун масканда муסיқа сирларини ўрганаёт-ган истеъдодли ўқувчилар 200 нафардан зиёд бўлиб, уларга 12 йўналиш бўйича 27 нафар ўқитувчи таълим-тарбия берапти. Мазкур дар-гоҳни тугаллаган ўқувчилардан бири Баҳром Жу-маназаров олийгоҳни тугатиб устозлари сафига

қўшилган бўлса, Лейла Балбаева аини пайтда Тошкент давлат консерваторияси талабаси.

ФИДОЙИ ИНСОН АСОС СОЛГАН МАКТАБ

Тахиятошлик ёшлар орасида тош кўтаришга қизиқувчилар кўп. Аввалдан ўйлаб, режалашти-рилган ишни йўлга қўйиш учун жонкуяр мураб-бий ва абжир ташкилотчи етишмасди. Обод ога Нуруллаев ташаббуси билан 1987 йил амалий ишлар бошлаб юборилди. Шаҳардаги ихтисос-лаштирилган олимпия захиралари болалар ва ўсмирлар спорт мактаби қошида оғир атлетика секциясига асос солинди.

Ўтган даврда Тахиятош оғир атлетика макта-бидан кўп-кўп таникли полковлар етишиб чиқди. Жумладан, Фозилбек Уразимбетов, Бауржан Каз-даев, Мадат Яялов, Рустам Жумамуратов, Ман-сур Чашево, Шўхрат Шамуратов, Раҳима Матъякупова, Расул Уразбаев, Ҳайитбой Маме-даманов ва Рустам Джангабаев сингари спорт-чилар шу мактабда тарбияланди.

— Оғир атлетика машғулотлари ўтказиладиган зал уйимиз яқинида бўлгани сабаб оғала-рим Нурмурад, Мақсет, Элмурад ва Давронга мен ҳам эргашганим, — дейди халқаро тоифа-даги спорт устаси Мансур Чашево. — Ушунда мураббийлар Аҳмед Кутчанов ва Обод Нурилла-ев мени илик кутиб олишган. Обод оғанинг уч бирдек фарзанди Азамат, Бахтиёр ва Саламат-нинг ҳам оғир атлетикага бўлган қизиқиши охир оқибат ўз натижасини берди. Бахтиёр Нурилла-ев АКШнинг Атланта ва Австралиянинг Сидней шаҳарларида ўтказилган мусобақаларда муно-сиб қатнашган бўлса, шоғирлари Корея, Тур-кия, АҚШ, Австралия, Япония, Иордания, Қатар, Индонезия, Таиланд, Греция, Польша, Эрон, Ита-лия, Бирлашган Араб Амириклари, Буюк Бри-тания ва Хитой каби кўп-кўп давлатларда Ўзе-бекистонимиз шарафини муносиб ҳимоя қилди.

Устозинг кенжа шоғирларидан бири Рустам Жангабаев Бразилияда ўтказилган XXXI ёзги Олимпияда ўйинларида иштирок этди.

Ортиқбой МАМУТОВ, «Ishonch» мухбири

ОМОН БЎЛИНГ, МУШТАРИЙ

Иқтидорлар маскани



Пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги 8-болалар мусика ва санъат мактабида 200 нафардан ортиқ ўғил-қиз 9 та йўналишда 30 нафар педагог устозлардан сабоқ олмоқда. Шунинг ҳам айтиш кераки, теварак-атрофдаги мактабларнинг кўпгина ўқувчилари ҳам бундай вақтларини шу ерда мазмунга тўлдиряпти.

Мактабнинг тасвирий санъат йўналиши ўқитувчиси Ноилахон Рустамованинг 20 нафар шогирди туман, шаҳар ва республика миқёсида ўтказилган танловларда юқори ўринларни қўлга киритаётир.

СУРАТДА: Ноилахон Рустамова шогирди Сарвиноз Абдуқодирова билан. Иқром ХАСАНОВ олган суратлар.

2016 йил — Соғлом она ва бола йили

Бу воқеа ҳеч эсимдан чиқмайди. Қўшнимизнинг бетоблигини эшитиб, уйига чиқдим. Ҳол-аҳвол сўрашганимизда келини дастурхон ёзиб, қанд-қурс, чой олиб келди. Бир пайт эшик қарсиллаб очилиб, 7-8 ёшлардаги болакай пайдо бўлди. Қўшнимнинг ҳай-ҳайлашига қарамай дастурхондаги конфетга чанг солди. Икки панжасини тўлдиргачина менга кўзи тушди. Гудурлаб нимадир деди. Унга боқиб юрагим орқага тортиб кетди...

Қариндошга қиз берманг...

Шу пайт минг хижолатда келини оstonада кўринди.

— Ойиҗон, овқатни сузгунимча... — у болани эркалаб, олиб чиқиб кетди. Бу бола ким бўлди экан? Келинини яқинда туширган бўлса. Балки қишлоқдан танишлари касал боласини даволатгани шахарга олиб келганмикан, деб ўйладим.

— Уйингизда меҳмон бор экан, безовта қилиб кўйдим, — дея кетишга чоғландим.

— Меҳмон эмас бу — неварам, қизимнинг ўғли, — қўшним йўғлаб юборди. — Ақли заиф, гапира олмайди.

Нима деб тасалли беришни билмасдим.

— Қариндошга қиз бермай мен ўлай, дардим ичимда. — Қўшнимнинг бу гапидан сўнг бу уйга кўчиб келмасидан олдин у бир қизини Наманганга — қариндошга узатгани ёдимга тушди. — Баъзида дод, деб бақиргим келадими, аммо фойдасиз. Ахир гуноҳкор ўзимман-да. Қизимни опамнинг ўғлига бермасам, опа-сингил юз кўрмас бўлиб кетамиз, қариндошлик ришталари узилди, деб ўйлабману жону жигаримнинг бахти саробга айланганини ўйлабман... Биринчи фарзанди ногирон туғилганда, кейингиси соғлом бўлар деб умид қилибмиз... Докторлардан қариндошлигимизни ҳам яширибмиз. Мана оқибати...

Олий маълумотли, маданиятли, одамларга маънавияту маърифатдан сабоқ бериб келаётган замонавий аёлнинг дил ноласига чидай олмайсан киши. Қилган номаъқулчилиги учун армон билан йилгайди. Оқу қорани тушунган, дину диндан ҳам хабардор қўшнимга ўшанда нима дегарини билмай тил тилаганим.

— Қизим уч фарзанд кўрди, бари ногирон. Катта неварамнинг ақли заифлиги етмагандек, кичинигини кўзи яхши кўрмайди, юраги ҳам касал, кенжаси қирқ кун яшаб вафот этди. Опам ўғлига «Соғ фарзанд кўрмаган келин менга керак эмас, боласини ҳам, онасини ҳам кўзимдан йўқот», деганим. Кўёвим «бунақа ногирон бола туғадиган хотин менга ҳам керакмас» деб болакаши билан уйимга келтириб ташлади. Гап-сўз қўлаймасин деб қизимни болалари билан нариги даҳадга уйимизга элтиб кўйдим. Қўшилар билмай кўя қолсин, олдимизда яна қизимиз, ўғлимиз бор деган андишага бордик...

Ун йиллар олдин бўлиб ўтган бу воқеадан ўшанда қанча изтироб чеккандим. Уйланмай қилинган ишнинг оқибатида бир оиланинг бахти саробга, бир қизнинг гулдек умри елга соврилганди. Қариндошлик ришталарини мустақамламоқчи бўлган сингил апаси билан юз кўришмас ганимга айланган, ақли заиф боласини интернетта топширган келинчақ эса нимжон, юраги хаста қизининг юзига термулиб ёш умрини ўтказаяпти...

Тўғри, у пайтлар скрининг маркази деган тушунчани ҳали биз зиёлилар ҳам тасавуриமிழга сиғдиролмасдик. Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти ташаббуси ва раҳнамолигида мамлакатимизда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодини шакллантиришга қаратилган кенг қўлмали ишлар амалга оширилди. Ногирон болалар туғилишининг олдини олишдек ўта муҳим муаммони ечишда бугун республикамизнинг барча ҳудудларида фаолият кўрсатаётган скрининг марказлари катта ўрин тўмоқда. Ушбу марказлар савий-ҳаракати билан ҳар йили минг-минглаб нуқсонли бола туғилишининг олди олинаётир.

Ҳа, «Она ва бола скрининги» маркази янги туғилган чақалоқларда ва ҳомиладор аёлларда яширин кечувчи касалликларни эрта аниқлаш, уларга ўз вақтида керакли чора-тадбирларни қўллаш имконини яратди. Бугун нафақат республика, балки вилоятлардаги Скрининг марказлари ҳам замонавий тиббий асбоб-ускуналар ва малакали тиббиёт ходимларига эга бўлди.

Марказ уч йўналишда ўз фаолиятини ташкил этган. Биринчи йўналишда, тугруқча бўлган даврда ҳомилада ривожланиш нуқсонининг олдини олиш чора-тадбирлари ўтказилади. Иккинчи йўналишда эса янги туғилган чақалоқларни туғма гипотиреоз ва фенилкетонурия касалликларига оммавий скрининг қилинади. Учинчи йўналишда ирсий касаллик билан туғилганларга ва шундай фарзандлари бор оилаларга тиббий-генетик маслаҳат берилади.

Бугун ҳомиладорликнинг 16-20 ҳафталарида аёлларда ҳомилада туғма нуқсон ва ирсий касалликни аниқлаш мақсадида перенатал ултратовуш ва биокимёвий скрининг текширувлари ўтказилади. Агар нуқсонли бола туғилиш эҳтимоли кузатилса, ҳомилани тўхтатиш тавсия этилади. Натижада Даун синдроми, гидроцефалия ва бошқа ривожланиш нуқсонлари мавжуд бола дунёга келмай туриб аниқланмоқда.

Чақалоқларда эса туғма гипотиреоз ва фенилкетонурияни барвақт аниқлаш мақсадида тугруқхонадаёқ оммавий неонатал скрининг текширувлари ўтказилмоқда. Бу вақтида муолажа ўтказиш, болани оғир ҳолатлардан асраш имконини бераётир.

Республика «Она ва бола скрининги» маркази

зи директори, тиббиёт фанлари доктори Мадина Шарипова билан учрашиб, қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари ҳақида сурадик.

— Қариндошлик никоҳи — ёмон иллат. Аҳдо-ларимиз ҳам буни қоралаб келган. Қариндош дегани ўз номи билан бир уруғ, бир авлод вакиллари дидир. Шу боис қариндошлик никоҳида ота-оналарнинг иккаласи ҳам соғлом бўлишига қарамай, фарзандларнинг ирсий касаллик билан туғилиш ҳоллари кўп учрайди. Қўллаб касалликлар ирсий келиб чиқиш билан бевосита алоқадордир. Негаки, касалликларнинг аксарияти ирсий генлардаги ўзгаришлар натижасида содир бўлади. Бир пайт қариндош ота-онанинг генларида ақинлик бор, қолаверса, ирсий касалликларга мойиллик иккаласида ҳам кузатилиши мумкин. Ана шу «яқин» генларнинг учрашуви фарзанднинг ирсий касаллик билан туғилишига сабаб бўлади. Маълумки, ҳомила геннинг ярмини отасидан, қолган ярмини онасидан олади. Касаллик генлари эса яширин (рецессив) генлар томонидан юзга чиқарилади. Борди-ю инсонда битта «касалик» гени мавжуд бўлса, у касал бўлмайди. Чунки унда иккинчи «соғлом» ген ҳам мавжуд. Бундай инсон касаллик генининг ташувчиси ҳисобланади. Табиийки, қариндошлик қанчалик яқин бўлса, генлар ақинлиги шунча кучайиб, хасталик кўп кузатилади.

Бугунги кунда 3500 га яқин ирсий-генетик нуқсонлар аниқланган. Бундай хасталикларнинг кўпчилиги болалик, қолаверса, ҳомиладорликда ҳам кузатилади. Негаки, бир қатор касалликлар наслдан-наслга ўтиши табиийдир. Амммо, юқорида таъкидлаганимиздек, айрим касалликлар соғлом ота-оналарнинг фарзандларида ҳам кузатилади. Бу касалликнинг яширин ирсийлигини дейилади. Баъзи хасталиклар фақат ўғил болаларда кузатилиб, хотин-қизларда яширин ҳолатда келиб, улар «касалик ташувчи» ҳисобланишади. Тиббий-генетик маслаҳат орқали касалликка гумон қилинганларга аниқ ташхис қўйилиб, касаллик наслдан-наслга қандай ўтиши ва унинг янги оилада пайдо бўлиш хавфини аниқлаш мумкин. Шифокор генетик оилада ирсий касаллик мавжуд деган ҳулосага келса, кейинги фарзандларга касаллик учраш эҳтимолини ҳисоблаб, керакли маслаҳатлар бериши лозим. Бундан қўзланган асосий мақсад ногирон фарзанд туғилишининг хатар даражасини аниқлаб, боланинг шифокор назоратида бўлишини таъминлашдир.

Шундай ҳолат кузатилган оналарга маслаҳатим, аввало, қариндошлар ўртасидаги никоҳдан тийилиш зарур. Сабаби, бунда оиладаги бир неча фарзанд ирсий касаллик билан хасталаниш хавфи юқоридир. Қолаверса, оммавий неонатал скрининг текширувлари натижасида туғма гипотиреоз ёки фенилкетонурия аниқланса, албатта, мутахассис шифокор назорати остида керакли даво муолажасини олиш керак. Учинчидан, фарзанд туғма ривожланиш нуқсонини ёки ирсий касаллик билан туғилган бўлса, кейинги фарзандида бу ҳолат кузатилмаганининг олдини олиш учун тиббий-генетик маслаҳатга келиши мақсадга мувофиқдир. Унутмаслик керакики, хасталиклар асорати сифатида кейинчалик болада ақлий заифлик, сабабсиз жисмоний ривожланишдан орқада қолиш, тез-тез қайталанувчи бронх-ўпка касалликлари, эшитиш қобилиятининг сустайиши, шунингдек, кўрак қафаси деформацияси, умуртқа қийшайиши, тез-тез суяк синиши ҳамда турли хил ҳолатлар келиб чиқиши мумкин.

Дарҳақиқат, оила — жамиятнинг бир бўлаги. Оила курган ҳар бир киши ҳам шу маънода жамиятнинг бир бўлигига айланади. Демак, оиладаги соғлом муҳит жамиятга ҳам ўз таъсирини ўтказаяди. Оила соғлом бўлса, жамиятда ҳам соғлом муҳит барқарорлашади.

Амина КОДИРОВА, «Ishonch» муҳбири

ТАХРИРИЯТДАН: Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексидан «...Насл-насаб шажараси бўйича тўғри туташган қариндошлар ўртасида, туғилган ва ўғай ака-укалар билан опа-сингиллар ўртасида, шунингдек фарзандликка олувчи билан фарзандликка олинганлар ўртасида... никоҳ тузишга йўл қўйилмайди» деган сўзлар ҳар биримизни ҳушёрликка ундаши лозим.

Умуман, қариндошлик никоҳи насллар учун зарар келтирадиган жиҳатларини бунун ҳар бир киши яхши билса-да, қариндошлар ўртасида никоҳлар қайид этилишига сабаб бўлаётганлар борлиги сир эмас. Касалли яширсанг, иштирасан ошкор этади, десан сўзлар бежиз айтилмаган.

Сиз бунга нима дейсиз, азиз муштарий? Фикр-мулоҳазаларингизни кутиб қоламиз.

РЕКЛАМА УРНИДА Молия муассасаларида

Кичик бизнес тараққиёт гарови

Мамнуният билан айтиш кераки, республикамиз банк тизими ривожланиш истиқболлари халқаро рейтинг кампаниялари томонидан юқори баҳоланмоқда. Банклар томонидан юридик ва жисмоний шахсларга кўрсатилаётган хизматлар, ажратилаётган кредит маблағлари иқтисодий тизимнинг барқарор ўсишида муҳим омил бўлаётир. Бу борадаги ишларда «Ипотека-банк» АТИБ Юнусобод филиалининг ҳам муносиб улуши бор.


Бугунги кунда маъмур банк томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига, жумладан, ёш оилалар, тадбиркор аёллар, касб-хунар коллежи битирувчиларига тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши учун кредит маблағлари ажратиб келинмоқда. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка 40 миллиард, коллежи битирувчиларига эса 700 миллион сўм кредитлар йўналтирилди.

Шунингдек, банк томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг бошқа йўналишларини ривожлантиришга, эндигина иш бошлаган ёш тадбиркорларни молиявий қўллаб-қувватлаш, аҳоли ва ҳўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағларини банк депозитларига жалб қилишни кўпайтириш масалаларига катта эътибор қаратилаётир. Хусусан,

озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналарга 7 миллиард, но-озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришга 11 миллиард, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга 11 миллиард, оилавий тадбиркорлик ва хўнарамдчиликни тараққий эттиришга 500 миллион ҳамда касб-хунар коллежлари битирувчиларининг тадбиркорлик лойиҳаларини қўллаб-қувватлашга 700 миллион сўм миқдорда кредит маблағлари ажратилди. Ушбу маблағлар янги корхоналарни ташкил этиш, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни ривожлантириш учун янги технологиялар ва асбоб-ускуналарни жалб қилишга сарфланмоқда.

Банк материаллари асосида таъйинланди. Хизматлар лицензияланган.

Дзюдо



Пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуасида дзюдо бўйича мукофот жағғармаси 100 000 минг АҚШ доллари ни ташкил этган Тошкент Гран-приси якунланди.

Йигирмата медал — биринчи ўрин

Кетма-кет тўртинчи марта Тошкентда ташкил этилган ушбу нуфузли мусобақада дунёнинг ўн беш мамлакатидан ташриф буюрган спортчилар 14 вазн тоифасида медаллар учун баҳсларга киришди.

Башорат қилинганидек, якунда Ўзбекистон терма жамоаси 6 та олтин, 3 та кумуш, 9 та бронза, жами 20 та медал билан умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади.

Вазни 73 кг. гача бўлган спортчилар ўртасидаги беллашувларда дзюдочиларимиз бarcha совринларга эга чиқиб, кўпчилигини ҳайратда қолдиришди.

Финал баҳсида Мирзоҳид Фармонов ва Фиёсжон Бобоев ўзаро куч синашди. Финалга қадар Мирзоҳид озарбайжонлик Мушфиқ Юсубов, словениялик Мартин Хожак ва россиялик Вали Куржевини енгган, Фиёсжон эса қозо-

Адҳам АРСЛОНОВ, «Ishonch» муҳбири

MUASSIS:



2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Bosh muharrir o'rinbosari:

Zayniddin Rixsiyev

Tahrir hay'ati:

Abdulaziz Abdullayev, To'iqin Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug'bek Jalmenov, Farhod Xanapiyayev, Ravshan Bedilov, Asror Ishanodjayev, Muhabbat O'rmonbekova, Oksana Belousova, Timur Mamajonov (bosh muharrir o'rinbosari), Akmal Toshhev

BO'LIMLAR:

Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43
Reklama va e'lonlar — 256-87-73

Manzillimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy. E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shamba kunlari chiqadi. Soluvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatishli short. Mualliflar fikri ta'hiriyot nuqtayi nazaridan qozlanishi mumkin.

HUUDLARDAGI MUXBIRLAR:

Qoraqalpog'iston Respublikasi — (+998-91) 268-92-32
Andijon — (+998-91) 475-23-60
Buxoro — (+998-93) 653-50-81
Jizzax — (+998-91) 943-67-44
Namangan — (+998-90) 260-50-77
Navoiy — (+998-93) 314-13-03
Samarqand — (+998-97) 915-50-87
Sirdaryo — (+998-90) 610-95-55
Suxondaryo — (+998-91) 233-69-07
Farg'ona — (+998-91) 141-27-70
Xorazm — (+998-90) 719-48-00
Qashqadaryo — (+998-91) 467-30-01

Navbatchi muharrir:

A. Abdullayev
Navbatchi: S. Abdurahmonov
Musahhirlar: S. Shodiyeva
Sahifalovchi: H. Abdullajollov

Boshiga topshirish vaqti — 21:30
Topshirildi — 23:50
1 2 3 4 5

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqarasida chop etiladi.

Korxonalar manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta «Ishonchning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi».
Gazeta o'qset usulida, A2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq. Buyurima G — 1015.
13619 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi: 133
Tahririyot xisob raqami: 2021 0000 0004 3052 7001.
ATIB «Ipoteka bank» Yunusobod filiali, bank kodi: 00959, STIP: 201133889, OKONX: 87100